

ХАСАНОВА Дилбар Каримджоновна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Чет тиллари кафедраси ўқитувчиси
e-mail: khasanovadilbar88@gmail.com

ДИНШУНОСЛИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

ЛИНГВОДИДАКТИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КАЧЕСТВ У СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ

LINGUODIDACTIC CONDITIONS OF PROFESSIONAL QUALITIES DEVELOPMENT IN STUDENTS OF RELIGIOUS STUDIES

Аннотация: Лингвистика ва дидактиканинг интеграцияси ҳисобланадиган ушбу тил таълимининг назарияси тилларни ўқитишда қонуниятларни ишлаб чиқади. Лингводидактика методологик асослар, таълимнинг мақсадлари, усуллари, мазмуни, воситалари, шакллари ва фанлараро алоқаларини ўз ичига олади. Ж.Жалоловнинг таърифига кўра, лингводидактика таълимнинг мақсад ва мазмуни, метод, шакл ва воситалари билан бирганликда бошқа фанларга алоқадорлиги, тил аспектлари ҳисобланадиган грамматика, лексика, фонетикага доир материалларни ўқитишда ҳамда тинглаб-тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув каби тил кўникмаларини шакллантиришда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: лингводидактика, диншунослик, компетенция, материал, тил кўникмалари, грамматика.

Аннотация: Эта теория языкового образования, представляющая собой интеграцию лингвистики и дидактики, развивает законы обучения языку.

Лингвистика включает в себя методологические основы, цели, методы, содержание, средства, формы и межпредметные связи образования. По определению Ж. Джалолова, лингводидактика – это методологическая основа в преподавании материалов, связанных с грамматикой, лексикой, фонетикой, которые являются аспектами языка, а также в формировании таких языковых навыков, как аудирование, говорение, чтение и письмо, наряду с целью и содержанием обучения, методами, формами и средствами.

Ключевые слова: лингводидактика, религиоведение, компетенция, материал, владение языком, грамматика.

Abstract: This theory of language education, which is an integration of linguistics and didactics, develops laws in language teaching. Linguistics includes methodological foundations, goals, methods, content, tools, forms and interdisciplinary relations of education. According to the definition of J. Jalolov, linguodidactics is a methodological basis in the teaching of materials related to grammar, lexicon, phonetics, which are aspects of language, as well as in the formation of language skills such as listening, speaking, reading and writing, together with the purpose and content of education, methods, forms and tools. serves as.

Keywords: linguodidactics, religious studies, competence, material, language skills, grammar.

КИРИШ

Методология, лингводидактика ва технология – тил ўқитиш методологиясининг уч асосий босқичи ҳисобланиб, лингводидактика тилнинг ўқитиш назариясидир. А.С. Маркосян лингводидактикани тушунчасига таъриф берар экан, олим лингводидактиканинг асосий вазифаси бу ўқув жараёнида ишлатилиши учун ишлаб чиқариладиган модел, яъни ўрганилаётган тилнинг қандай тартибда ўқитиш тамойиллари мажмуанинг эканини таъкидлайди [3;87].

Ф.С.Абдуллаеванинг фикрича, талабанинг компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришда лингводидактик асос муҳим саналади. Лингводидактиканинг асосий мақсади тил компетенциясини ривожлантиришдан иборат. Бир гуруҳ олимларнинг, шу жумладан

И.Б. Бурятова, Н.В. Елухина, О. В. Кудряшова ва Л.Н. Тимашковаларнинг тадқиқотларида коммуникатив компетенцияни шакллантириш борасида изланишлар олиб борганини кўришимиз мумкин. Диншуносларнинг касбий сифатлари билан бир қаторда уларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда танланган хорижий тилни ўқитишнинг методик асосини ишлаб чиқишни талаб этади [4; 76].

АСОСИЙ ҚИСМ

Лингводидактик асосларга берилган таърифларни ўрганиб чиқиб, диншуносларнинг касбий сифатларини ривожлантириш мақсадида Ж. Жалолов таърифлаган [5; 98]. методологик асос асосида шакллантириш ва шу ўринда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2022-23 ўқув йилига мўлжалланган диншунослик йўналиши учун ишлаб чиқилган амалий машғулоти мавзулари билан таққослаш мақсадга мувофиқ деб топилди (1 ва 2 – жадвалларга қаранг).

1- жадвал

**2022-2023 ўқув йили 1- семестр учун
мўлжалланган 1 –босқич диншунослик
йўналиши учун ишлаб чиқилган соҳага
оид хорижий тил силлабусидаги машғулоти
мавзулари**

Амалий машғулоти мавзулари	Дарс соталари ҳажми
1-семестр	
1-mavzu. Ubiquity of English	2
2-mavzu. Widespread use of English. Verb forms (revision)	2
3-mavzu. What is a religion? Present Simple	2
4-mavzu. Formation of religion.	2
5-mavzu. Information and security	2
6-mavzu. Infringement of Copyright Issues. Adjectives and Adverbs.	2
7-mavzu. Buddhism. Past Simple.	2
8-mavzu. Affixes. Noun Suffixes.	2
9-mavzu. Studying with multiple sources.	2
10-mavzu. Studying with multiple sources. Degrees of Adjectives.	2

2- жадвал

**2022-2023 ўқув йили 3- семестр учун
мўлжалланган 2 –босқич диншунослик
йўналиши учун ишлаб чиқилган соҳага
оид академик хорижий тил силлабусидаги
машғулоти мавзулари**

Амалий машғулоти мавзулари	Дарс соталари ҳажми
3-семестр	
1-mavzu. Moving on	2
2-mavzu. Religions in Uzbekistan	2
3-mavzu. International student	2
4-mavzu. Linking words	2
5-mavzu. Island states	2
6-mavzu. Islamic Educational Institutions of Uzbekistan	2
7-mavzu. Where in the world...?	2
8-mavzu. Present Simple/ Present Continuous tense	2
9-mavzu. Careers in the media	2
10-mavzu. Islamic Institute	2

Бўлажак диншуносларнинг асосий касбий сифатларини инглиз тили дарс машғулотида орқали ривожлантиришга тўхталадиган бўлсак, талабалар ўртасида олиб борилган сўровномада “Диншунос қандай касбий сифатларга эга бўлишини кераклигини биласизми?” деган саволга 88% талабалар билишини ва аниқ билмайдиганлар сони 12% ташкил этган. Сўровномалар натижалари яна шуни кўрсатадики, аксарият талабалар касбий сифатларни шакллантиришда қайси фан орқали эгаллашлари муҳим эмаслиги, улар учун муҳими касбий компетент бўлиб етишиш аҳамиятли эканини билдиришган. Диншунослик йўналишида таҳсил олаётган талабаларга соҳага оид фундаментал билимлар ва касбий кўникмаларни шакллантирадиган “диншуносликка кириш”, “дин социологияси”, “умумий педагогика ва психология”, “виждон

эркинлигининг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари” фанлари қуйи босқичларда олиб борилса-да, уларнинг айнан касбий сифатларини амалий машғулотлар орқали шакллантириш ва ривожлантириш соҳага оид хорижий тил фанидан дарс олиб борадиган педагогдан ўзига хос ижодий ёндашув ва талаба билан индивидуал ишлашни талаб қилади.

Бўлажак диншунослардан дин ҳақида ҳолис, тўғри дунёқараши шаклланган, олган билимлари асосида конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда ўз шахсий фикрларига эга бўлишлари талаб этилади. Диншунос амал қилиши лозим бўлган вазифалардан бири бу диннинг эзгулик моҳиятини тушунишдан иборат. Хар бир дин ўз эътиқод қилувчиси учун “компенсаторлик” (тасалли берувчилик, овутувчилик) вазифасида келар экан, бўлажак диншуноснинг касбий сифатларидан асосийси бу *раҳмдиллик* ва *ҳамдардлик* туйғусини шаклланидир. Brianna Crowley ва Barry Saidеларнинг фикрига кўра, раҳмдиллик туйғусини дарс жараёнида шакллантириш учун авваламбор уни ривожлантирувчи машқларни силлибусда кўрсатиб ўтиш керак [3; 45].

Ушбу сифатга бўлажак диншуноснинг асосий сифатларидан бири деб қаралар экан, уни дарс мобайнида муҳокама қилиш ва уни ривожлантирувчи турли хил коммуникатив машқлар олиб борилиши талаб қилинади. Масалан, инсон тараққиёти индекси паст бўлган давлатда яшайдиган бир талаба ҳақида видео-ролик кўрсатилиб, “Унга қандай ҳамдардлик билдириш мумкин?”, “Агар у сизнинг гуруҳдошингиз бўлганида унга раҳмингиз келганини айтган бўлармидингиз?” каби саволлар билан интерфаол методлардан, ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, бумеранг ва бошқа биридан фойдаланиб уларнинг оғзаки ёки ёзма равишда фикрларини билиш, талабалар кунлик ҳаётдан олинган турли хил қисса ёки ҳикояларни ўқиб, гуруҳларда муҳока қилиш; талабанинг кунлик иш тартибини ёзиш ва уни гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш; тенгдошлари орасида кичик сўровнома ўтқизиш орқали.

Ушбу кичик машқлар талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, грамматик қоидаларни амалда қўллаш, эшитиб-тушуниш малакасини ошириш баробарида, улардаги касбий сифатни ривожлантиришга хизмат қилади.

Диншунослик таълими йўналиши талабалари учун дин бу ўрганилувчи объект бўлса-да, дин авваламбор хар бир кишининг эътиқоди ҳамдир. Шу сабаб, эътиқод масаласига турли дин вакилларининг норозилик ва эътирозларига сабаб бўлмаслик учун педагоглардан эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан ёндашиш талаб этилади. Бўлажак диншунослар диннинг “интеграторлик” яъни “бирлаштирувчи” вазифада келишини яхши билишади. Турли хил диний маросимлар ва урф одатлар бир динга эътиқод этувчиларни бирлаштирар экан, талабалар ушбу маданиятнинг бир қисми бўлган урф-одатларга ҳолис, толерант бўлиб муносабат билдириши мақсадга мувофиқ.

Бошқа дин вакиллари нишонлайдиган байрамлар, оилавий йиғинлар ва бошқа маросимлар ҳақида интернет форуми ташкил этиб, ўзаро онлайн доскада муҳока этиш талабалардаги ёзув компетенциясини оширишга хизмат қилади, ҳамда уларнинг касбий сифатларидан ҳисобланган, *мустақил фикр билдира олиш* салоҳиятини шакллантиради [6;43]. Педагогдан эса улардаги толерантлик ҳисси билан дарсларда иштирок этиши ва уларни таъминлаш талаб этилади. Дарс жараёнида педагогдан талаб этиладиган галдаги бу диннинг дунё халқлари маданияти, санъати ва адабиётига кириб боришини таъкидлашдир.

ХУЛОСА

Аҳоли орасида конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги

ПҚ-4436-сон [1;12]. қарорида кўрсатилиб ўтилган устувор йўналишларидан бири экан, бўлажак диншуносларнинг касбий вазифаси улардан *мослашувчанликни* ҳам талаб қилади. Улардаги ушбу сифатни шакллантириш ва ривожлантириш учун авваламбор талабаларда ушбу сифатларни мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Зеро, Е.М.Иванова [2;234]. айтиб ўтганидек, “шахснинг касбий сифатлари унинг алоҳида сифати эмас, балки касбий фаолиятнинг психологик тузилмасини умумлаштирувчи меъёрий ва морфологик кўрсаткичлар” дир. Ушбу сифатни ривожлантириш учун компетенциявий ёндашув асосида олиб бориладиган, онлайн платформада ташкил этиладиган интернет форум фикрлар ойнаси фикр алмашинув, машғулот давомидаги ролли ўйинлар ёрдамида эришиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbirlar тўғрисида”ги 04.09.2019 йилдаги ПҚ-4436-сон Қарори // <https://lex.uz/ru/docs/4500897>
2. Иванова Е.М. Психотехнология изучения человека в трудовой деятельности. – М.: МГУ, 1992. – 94 с.
3. Маркосян, А. С (2004). Овладение вторым языком как теоретическая и лингводидактическая проблема. Prieiga per internetą: <http://www.dissertat.com>
4. Brianna Crowley va Barry Saide “Building Empathy in Classrooms and Schools” мақола. Education Week, 2016 , январь
5. Jalolov, J (2012). Methods of teaching foreign languages. T.; Teacher.
6. Nurmonov Asliddin Xusniddin O‘g‘li. Bo‘lajak o‘qituvchilarning kommunikativ madaniyatini shakllantirishda so‘zning o‘rni // SAI. 2022. №B2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bo-lajak-o-qituvchilarning-kommunikativ-madaniyatini-shakllantirishda-so-zning-o-rni>
7. Khasanova, D (2020). Importance of communicative activities in conducting english classes based on islamic topics // Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования (pp. 137-141).
8. Khasanova, D (2022, November). Communicative activities in esl classes for religious studies students // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities (Vol. 1, No. 2, pp. 197-199).